

**“FUTBOL MUSOBAQALARI BILAN BOG’LIQ OMMAVIY TADBIRLARNI  
O’T KAZISHDA FUQAROLAR HAVFSIZLIGINI TA’MINLASHGA  
QO’YILADIGAN TALABLAR”**

Нарзиев Аъзам Ёркулович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Магистратура тингловчиси, подполковник,

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимиз худудларида оммавий тадбирларни ўтказиш тартиб-қоидалари ва тадбирларда жамоат тартибини сақлаш, оммавий тартибсизликнинг олдини олиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларининг мазмун-моҳияти тадқиқ қилинганд. Шунингдек, оммавий тартиб, жамоат хавфсизлиги ҳақида тушунчалар назарий жиҳатдан ўрганилган. Хорижий олимларнинг соҳага оид фикрлари ҳам ўрганилнган. Муаллифлик тушунчалари берилган.

**Калит сўзлар:** оммавий тадбирлар, хавфсизлик, жамоат хавфсизлиги, давлат хавфсизлиги, хавф, баратараф этиши.

**“ПОРЯДОК ОРГАНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА ПРИ ПРОВЕДЕНИИ  
ОБЩЕСТВЕННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ НА ТЕРРИТОРИИ НАШЕЙ СТРАНЫ”**

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются задачи концепции поддержания общественного порядка на массовых мероприятиях, сущность мер по предупреждению массовых беспорядков. Также теоретически изучаются понятия общественного порядка, концепции и общественной безопасности. Также были изучены мнения зарубежных ученых в этой области. Даются понятия авторства.

**Ключевые слова:** массовые мероприятия, безопасность, общественная безопасность, понятие, государственная безопасность, риск, устранение.

**Annotation:** This article discusses the tasks of the concept of maintaining public order at mass events, the essence of measures to prevent riots. The concepts of public order, conception and public safety are also theoretically studied. The opinions of foreign scientists in this field were also studied. The concepts of authorship are given.

**Key words:** mass events, security, public security, concept, public security, risk, elimination.

**КИРИШ**

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикини қарор топтириш, инсон хуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, демократик хуқуқий давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган

кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. [1]

Дарҳақиқат, юртимизда олиб борилаётган кенг ислоҳатлар жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталик қарор топиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, қонун устиворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий жихатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида жуда кўплаб самарали ишлар олиб борилмоқда.

### **МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.**

Дунёда ва минтақамида нотинч вазиятларни, хисобга олган холда, мамлакатимиз худудида оммавий тадбирларни ўтказиша жамоат тартибини сақлашни ташкиллаштириш тартибини таъминлашга қаратилган янги таҳрирдаги қонунлар, фармонлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 808-сон “Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005 сонли фармони ҳамда унинг ижроси доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 1 май ПҚ-2940-сонли ва «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3528 сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 26 марта ПФ-6196-сонфармони, Вазирлар маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон фармонилар қабул қилинган. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қонунларга биноан куч тузимларари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини

таъминлаш фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари сифатида белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифалар белиглаб берилган. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш бобининг:

16-мақсадида: Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, яъни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш. Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашлари ҳамда 17-мақсадида: Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтиришни, яъни Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш. Қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ваadolatli прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда «Қонун - устувор, жазо - муқаррар» тамойилини бош мезонга айлантириш. Тезкор-қидирав ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш кўрсатиб ўтилган. [2]

Вазирлар маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарорида Оммавий тадбирни ўтказишга тайёргарлик қўриш, оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга қўйиладиган талаблар, улар иштирокчиларининг, оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари маъмуриятларининг ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари ва давлат бошқа органларининг уларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлари ва ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилганлиги, оммавий тадбирлар ҳақидаги тушунча қўйидагича тарифланган.

Оммавий тадбир - 100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгилочар-тomoша дастурлари (мусиқий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намойишлар ва ўйинлар, кўриктанловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиши мақсадида оммавий тадбирни ўтказиши объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда қатнашишларига айтилади. [3]

Давлат хокимиияти ва бошқарув органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар оммавий тадбирларни ўтказиши ташкилотчилари бўлишлари мумкин. Қўйидагилар: ташкилотчилар, артистлар, спортчилар ва дастурда назарда тутилган томоша кўргазма чиқишлигини бевосита амалга оширувчи бошқа шахслар ҳамда томошабинлар оммавий тадбирлар қатнашчилар ҳисобланади.

Зеро, қабул қилинган қонун ва фармонлар мамлакатимиз худудида оммавий тадбирларни ўтказишида жамоат тартибини сақлашни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, давлат ҳамда шахсий мулклари сақлаш, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилганлигини қўришимиз мумкин. Шунингдек фуқароларимиз онгода қонунларга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келмоқда.

Оммавий тадбирни ўтказиши объекти оммавий тадбирларни ўтказиши учун қўйидаги талаблар қўйилган махсус мўлжалланган ёки мослаштирилган, ёнфинга қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш, коммуникация, муҳандис-техник ҳимоя воситалари, оммавий тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа воситалари ва тизимлари билан жиҳозланган бўлиши кераклиги қонунларда кўрсатилган .

Оммавий тадбирларни ўтказиши объектлари рўйхатларига киритилган очиқ жой участкалари, бинолар, иншоотлар ва бошқа жойлар (маданиятмаърифат муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқалар)да ўтказилади. Оммавий тадбир ташкилотчиси оммавий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиши мажбуриятини ўз зиммасига олган давлат органи, юридик шахс ва 18 ёшга етган жисмоний шахс ҳисобланади.

Оммавий тартибда жамоат тартиби ва хавфсизлиги йўналишида тадқиқод олиб борган олимларнинг фикр ва тарифларига тўхталиб ўтсак.

Юридик фанлар доктори, профессор И.Исмаиловнинг тарифлашича Жамоат тартиби – бу амалдаги хуқуқ ва ижтимоий (ахлоқ) нормаларга риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, кўпчилик (омма)нинг хавфсизлигини таъминлашга, худуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаoliyat кўрсатиши, инсонларнинг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун қулай шароит яратишга қаратилган, шунингдек, уларнинг шаън-шавкати, инсоний қадр-қиммати ҳамда ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш

бўйича асосан жамоат жойларида вужудга келадиган ва тараққий этиб борадиган ижтимоий муносабарлар тизимиdir деб кўрсатиб ўтилган.

Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини жиноий ва бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, ижтимоий низолар, табиий оғатлар, зилзилалар, эпидемиялар, эпизоотиялар, катта фалокатлар, авариялар ва ёнғинлар натижасида келиб чиқадиган фавқулотда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолатидир деб таърифлар келтирган. [4]

Бундан ташқари, Н.В.Баландина "жамоат тартиби" ва "жамоат хавфсизлиги" тушунчалари ўртасидаги муносабатларни давлатнинг жамият, алоҳида фуқаролар олдидағи мастьулияти нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, улар нафақат давлатнинг асосий функцияларининг мазмунини, шу жумладан стандартлар, ички тажовузлардан, жиноятлар сонидан, шунингдек, ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш ва таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқнинг функцияларини (хавфсизликни ўрнатиш) акс эттиришини тўғри таъкидлайди. Қонун жамоат муносабатларини давлат томонидан тартибга соловчи, яъни, хавфсизлик стандартларини, тартибни (тартибга солиш функциясини), шунингдек ваколатли давлат органлари тизими ёрдамида ўрнатади, жамиятда хавфсизлик ва тартибни таъминлайди, кафолатлайди ва ҳимоя қиласи деб тарифлаган. [5]

Шунингдек, В.М.Васиннинг фикрича, жамоат хавфсизлиги - бу шахс ва жамият ҳаёти давомида вужудга келадиган, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг хавфсиз фаолият юритиши, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириши, бошқарув, маъмурий-ҳуқуқий ва ахборот-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланган жамоат муносабатларининг маъмурий ва ахборот ҳуқуқи нормалари билан ҳимояланган ҳолатидир дея кўрсатиб ўтилган.[6].

Е.Б.Олховский тарифлашича жамоат хавфсизлиги тушунчасини кенг ва тор маънода кўриб чиқади. Унинг фикрича, жамоат хавфсизлиги кенг маънода давлат, жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаро учун осойишталик муҳитини таъминлайдиган ҳуқуқий, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари мажмуидир. Тор маънода жамоат хавфсизлиги - бу одамлар ҳаёти жараёнида вужудга келадиган мустаҳкам иродали ижтимоий муносабатлар, уларнинг жамоат жойларида цивилизациялашган жамиятнинг ҳуқуқий нормалари, қоидалари ва урф-одатларининг амалдаги кўрсатмаларига мувофиқ мулоқот қилиш тартибидир. Олимнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги мазмуни тор маънода жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатларни ва давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чоратадбирлар мажмуини ўз ичига олади. [7].

Жамаат тартиби ва жамоат хавфсизлиги тўғрисида олимларнинг юқоридаги фикр ва тарифлари турлича эканлиги лекин, асосий эътиборни

фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари, хавфсизлигига, жамаоат тартиби сақлаш, ташқи хавфлардан химояланганлиги бўйича давлатнинг асосий функцияларидан бири эканлиги шунингдек, хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятини тартибга солиш эканлигини қўришимиз мумкин.



Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни доимий равища ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жамаоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланиб келинмоқда, лекин футбол ўйинларида ва стадионлардаги концертларда фуқароларимиз томонидан жамаоат тартибини бузилаётганлигини ҳам кўраяпмиз.

Мисол тариқасида машҳур санъаткорнинг очиқ осмон остидаги концертлар, футбол мусабақалари ташкиллаштирилмоқда. Бу концертларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куч тузилмалар томонидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан концертларга чипталар олиш ёки концертларга кириш учун тор йўлакларда оломоннинг тартибсиз харакатлари тиқилинчлар юзага келиши, ёки бир жойда тўпланиб қолишлари, хавфсизлик учун ўрнатилган темир панжарали тўсиқлардан ўтиб саҳна ёки тадбир ўтказилаётган майдончаларга чиқишлирга уринишлар, хавфсизлигини таъминловчи куч тузилмаларнинг қонуний талабларини бажармасликлари, шунингдек хусусий тадбиркорлар томонидан ўз маҳсулотларини арzonлаштирилган акция ва чегирмалар рекламаси орқали оломонни ўзига жалб қилувчи тадбирлар кўплаб бўлиб ўтмоқда. Бундай акция ва чегирмалар рекламаси орқали савдо марказлари олдида юзлаб фуқароларарзон маҳсулотларни олишга улгуриш учун бир вақтда тўпланишилари, савдо марказига кириш учун фуқаролар ўртасида тортишувлар, келишмовчиликлар, тирбантликлар юзага келаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бизнинг фикримизча, бундай тадбирларнинг ташкилотчиси бўлган юридик шахс ёки жисмоний шахслар томонидан оммавий тарбирлар ўзказиш бўйича қўйилган талабларга алоҳида эътибор берилмаслиги ёки фуқаролар томонидан оммавий тадбирларда хуқуқ ва мажбуриятларини билмасликлари оқибатида келиб чиқмоқда деб ҳисоблаймиз ва қўйидаги таклифларни қўрсатиб ўтамиз:

**Биринчидан:** Оммавий тадбирларни ўтказишида ташкилотчилар томонидан обьектларини қонунларда кўзда тутилган талаблар асосида танлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш шароитларининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолдаташкиллаштиришни, оммавий тадбирларни ўтказишида жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунларда кўзда тутилган мажбуриятларини ва қўйилган талабларни тўла тукис бажаришлари орқали эришилади.

**Иккинчидан:** Арzonлаштирилган акция ва чегирмалар билан кийим-кечаклар, буюмлар турли ҳил маҳсулотларини сотиш бўйича оммавий реклама тадбирларда иштирокчиларининг сонини аниқ билишлари кераклиги, бу тадбирларда иштирокчиларни сонини аниқлаштириш учун интернет ёки савдо марказида бепул чипталар, таклифномалар ва рухсатномалар асосида ташкил қилишлари орқали билишлари мумкин.

**Учинчидан:** Фуқароларимизга оммавий тадбирларда хукукий онги ва маданиятини, ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича тушинтиришлар олиб бориш, бундай тадбирларни ИИВ, МГ ходимлар томонидан доимий равишда тарғибот ишлари олиб боришлари, мактаблар, олий ўқув юртларида, масжидларда оммавий тадбирларда оммавий маданият тўғрисида маърузалар олиб бориш орқали етказиш мумкинлиги;

**Тўртинчидан:** Оммавий тарбирлар жамоат тартибини сақлаш, оммавий маданият бўйича оммавий ахборот воситаларида тарғибот рекламалари орқали фуқароларимиз онгига сингдириш мумкинлиги бу усулда анча самарали хисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5005 сонли фармони.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.

3. Вазирлар маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 205-сон қарори.

4. “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфизлигини таъмирлаш фаолияти” дарслик.

5. См.: Баландина Н.В. Общественный порядок и общественная безопасность – зона ответственности государства перед обществом // Правовая культура. 2011. № 2. С. 67.

6. Васин В.Н. Право на общественную безопасность. М.: Изд-во «Щит», 1999. 172с.

7. Ольховський Є.Б. Административно-правовизасобизабезпечення громадської безпеки: дис. канд. юрид. наук. Х., 2003. 191 с.

8. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириши чора тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 29 ноябрь кунги ПФ-27-сон фармони.

9. “Жамоат хавфизлигини таъминлаш асослари” Дарслиги.-Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети, 2021. 471.

10. Оммавий тадбирлар ва оммавий тартибсизликлар даврида жамоат хавфизлигини таъминлаш. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети, 2022. 123б.

11. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети магистратура тингловчиси, подполковник А.Ф. Жолдасовнинг “Жамоат хавфизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари” бўйича мақоласи